

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ

Жўрабоев Н.Ю.

ТДТрУ доценти

Юнусова Н.Ш.

ТДТрУ доценти

Аннотация: Мақолада туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан 2009 йили ташкил этилган ва кейинчалик Туркий давлатлар ташкилоти деб атала бошланган минтақавий тузилманинг шаклланиш тарихи, такомиллашув жараёнлари, мақсад ва вазифалари ҳамда унда Ўзбекистоннинг ўрни масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: туркий ҳамкорлик, туркий кенгаш, туркий давлатлар ташкилоти, тузилма, рамзлар, туркий цивилизация, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Ўзбекистон, “туркий нигоҳ”, Самарқанд саммити.

Аннотация: В статье описаны история формирования, процессы совершенствования, цели и задачи региональной структуры, созданной в 2009 году под названием Совет сотрудничества тюркских государств и названной позднее Турецкой государственной организацией, а также вопросы роли Узбекистана в это.

Ключевые слова: турецкое сотрудничество, турецкий совет, организация тюркских государств, структура, символы, турецкая цивилизация, Организация экономического сотрудничества, Организация исламского сотрудничества, Узбекистан, «турецкий взгляд», Самаркандский саммит.

Маълумки, туркий давлатлар ўртасида ташкилот тузиш ғоясини дастлаб 2006 йилда Қозоғистоннинг собиқ президенти Нурсултон Назарбоев илгари сурган эди. Орадан кўп ўтмай, ташкилот дастлаб Туркий кенгаш ёки Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан 2009 йилнинг 3 октябрида Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тузилди. Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия мазкур кенгаш таъсисчилари ҳисобланади. Ташкилот бош қароргоҳи Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган. Истанбулдаги Демократия ва Озодлик оролида 2021 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган саккизинчи саммитда Туркий кенгаш номи Туркий давлатлар ташкилоти деб ўзгартирилган.

Туркий давлатлар ташкилоти ўз байроғига эга бўлиб, унда тўртта таъсисчи давлат байроғидаги рамзлар уйғунлашган. Хусусан, байроқдаги кўк ранг Қозоғистон ва умуман, тарихдаги кўпгина туркий давлатлар байроғида мавжуд, хусусан,

Қирғизистон байроғидаги қуёш, Озарбайжон байроғидаги юлдуз ва Туркия байроғидаги ярим ой ташкилот рамзидан ўрин олган.

Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда 5 та тўлақонли аъзо ҳамда иккита кузатувчи мақомидаги давлатдан иборат. Ташкилотга аъзо бўлиш шартлари сирасига мамлакат аҳолисининг туркий тилда сўзлашиши ёки туркий тиллардан бирига давлат тили мақоми берилгани, шунингдек, давлат ўзини туркий ўзликка ёхуд туркий цивилизация билан яқинликка эга деб ҳисоблаши ва бу бошқа давлатлар томонидан ҳам эътироф этилиши кабилар киради. Шунга кўра, 2022 йилда Шимолий Кипр президенти Эрсин Татар, 2020 йилда Украина ташқи ишлар вазири ўрибосари Эмине Жеппар Туркий давлатлар ташкилоти (аввалги Туркий кенгаш)да кузатувчи мақомини олиш истагини билдирган. Шунингдек, 2021 йил 3 май куни Афғонистон ҳам кузатувчи мақомини олиш учун ариза берганди, аммо мамлакат ҳокимияти тепасига Толиблар келиши билан бу ариза расман қайтариб олинган.

Туркий давлатлар ташкилоти бошқа халқаро тузилмалар билан ҳам алоқаларни олиб боради. Жумладан, ташкилот Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақомига эга. Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислом ҳамкорлик ташкилотида ҳам ушбу мақомни олиш учун ариза берган.

Ташкилотнинг асосий органларига Давлат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Оқсоқоллар кенгаши, Олий мансабдор шахслар қўмитаси ва Котибият киради. Ташкилот фаолияти Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси (TURKPA), Халқаро Туркий маданият ташкилоти (TURKSOY), Халқаро туркий академия, Туркий тиллар маданияти ва мероси жамғармаси, Туркий ишбилармонлар кенгаши, Туркий университетлар иттифоқи ва Туркий савдо-саноат палатаси каби тегишли бўлинма ва ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган: томонлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш; ташқи сиёсат масалалари бўйича умумий позицияларни ишлаб чиқиш; халқаро терроризм, сепаратизм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш; умумий манфаатларга эга бўлган барча соҳаларда самарали минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликка кўмаклашиш; савдо ва инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш; ҳар томонлама ва мувозанатли иқтисодий ўсишга, ижтимоий ва маданий ривожланишга интилиш; фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш; оммавий ахборот воситалари ва бошқа алоқа воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш; аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва

интеграцияни мустаҳкамлаш; тегишли ҳуқуқий ахборот алмашиш ва ҳуқуқий ҳамкорликни кенгайтириш.

Ўзбекистон 2018 йил 30 апрелда Қирғизистонда ўтган саммитдан бошлаб кузатувчи мақомида иштирок этишини эълон қилган эди. 2018 йил 3 сентябрда Президент Шавкат Мирзиёев илк бор Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган олтинчи саммитда нутқ сўзлаган ва 2019 йил 12 сентябрдан бошлаб мамлакат ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари саммитда сўзлаган нутқида халқларимизни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, бугунги кунда Кенгашнинг сиёсий кун тартибида ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини қайд этди. “Мамлакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг сиёсий иродаси, очиқ ва амалий ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда вазият ўзгарди, минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланди. Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Президентлари билан учрашув ва мулоқотлари самарасида турли соҳалардаги ҳамкорлик янада ривожланди. Мамлакатимизнинг Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми охириги бир йилда 40 фоиздан зиёд ошди. Ўзбекистон Президенти бу кўрсаткичлардан анча юқори марраларга эришиш мумкинлигини таъкидлаб, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир муҳим йўналишларга тўхталиб ўтди. Аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, етакчи саноат корхоналари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт йўналишларининг интеграциялашган тармоғини яратиш, дунё ва минтақадаги асосий бозорларга чиқиш масаласига эътибор қаратилди. Мамлакатларни инновацион асосда ривожлантириш, бу соҳага масъул бўлган идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги, туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар борлиги, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш халқларимизни янада яқинлаштириши қайд этилди. Шунингдек, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ёш

авлодни илм-маърифат асосида тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани, ушбу халқаро тузилманинг келажагига катта умид ва ишонч билан қарашини таъкидлади. “Туркий кенгаш доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ҳозирги босқичда унинг фаолиятида мамлакатимиз учун амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёرمىз”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Сиёсий экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиб кириши ушбу тузилма ривожини янги босқичга олиб чиққани таъкидланмоқда. Бунга бир неча сабаблар бор. Хусусан, Ўзбекистон Туркиядан кейинги иккинчи энг катта туркий давлат ҳамда туркий цивилизациянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатда ҳозирги вақтда 36 миллион аҳоли мавжуд бўлиб, бу Марказий Осиё умумий аҳолисининг қарийб ярми деганидир. Шунингдек, Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга ягона давлат ҳам Ўзбекистон ҳисобланади. Геостратегик жойлашуви ҳамда нуфуз жиҳатдан туркий дунёнинг катта бир бўлагини ташкил этиши сабабли Ўзбекистон қўшилган минтақавий лойиҳаларнинг амалий аҳамияти ҳам юқори бўлади. Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик Ўзбекистон манфаатлари учун тўла жавоб беради. Чунончи, транспорт-логистика, рақамлаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, терроризм, экстремизм, сепаратизм, трансчегаравий жиноятларга қарши курашиш каби соҳалардаги коллектив ҳамкорлик каби масалалар ташкилотнинг «Туркий нигоҳ — 2040» дастуридан ўрин олган.

2019 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Президентининг 20 дан ортиқ таклифлари мазкур ташкилот томонидан алоҳида инобатга олиниб, амалиётга жорий қилинди. 2022 йилнинг июль ойида Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган «Табаррук зиёрат» туризм концепцияси бўйича ташаббусни юқори савияда ташкил этиш, туризм соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида «Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинди.

2021 йилнинг 20 октябрь куни Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний ташкилотлари раҳбарлари кенгашининг низоми имзоланди. Мазкур низом, туркий халқлар тинчлиги ва фаровонлигини

мустаҳкамлаш, муштарак эътиқод ва қадриятларни кенг ёйиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда турли соҳалардаги алоқаларни янада раванқ топширишга хизмат қилади.

Расмий маълумотларга кўра, 2020 йилда кенгашга аъзо давлатларнинг жами импорти 420 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган. Улар ўртасидаги ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажми эса 21 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани алоҳида диққатга сазовордир.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 349-бандида йирик тадбирларда минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси ҳамда глобал ташаббусларини илгари суриш белгилаб қўйилган бўлиб, бу орқали Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Ўзбекистон раислигини самарали ва фаол амалга оширишни ташкил этишни назарда тутилган эди.

Маълумки, 2022 йил 11 ноябрь куни Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммити бўлиб ўтди. Ушбу олий даражадаги тадбир 2021 йил Истанбул учрашувида Ташкилот номи ўзгаргандан кейинги Биринчи саммит ҳисобланади. Тадбирда 5 та аъзо мамлакат – Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда 2 та кузатувчи – Туркменистон ва Венгрия мамлакатлари раҳбарияти иштирок этди.

Саммит доирасида сиёсий-иқтисодий, транспорт, маданият ва туризм каби соҳаларда ҳамкорликни янада жадаллаштириш ҳамда халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан қабул қилинган 10 дан зиёд тадбирнинг асосий ҳужжати бу — аъзо мамлакатларнинг энг муҳим минтақавий ва глобал муаммолар бўйича мужассамлашган позициялари ўз ифодасини топган Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити Декларациясидир. Унда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар белгилаб берилган.

Самарқанд саммити 2009 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи остидаги Нахичавен келишуви бўйича расман тасдиқланган туркий давлатлар бирлашмаси ривожига янги босқични бошлаб беради. Аҳоли сони бўйича иккинчи туркийзабон давлат бўлган Ўзбекистоннинг 2019 йилда ушбу Ташкилотга қўшилиши туркий мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатди. 2019-2021 йилларда Туркий кенгашининг тўртта саммитида Президентимиз томонидан кўп қиррали иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга доир қарийб 35 та ташаббус илгари сурилди.

Амалий ўзаро ҳамкорликнинг фаоллашуви бирлашманинг институционал ривожланишига туртки бўлди ва 2021 йил ноябрь ойида Истамбулдаги саммитда Туркий кенгаш номини Туркий давлатлар ташкилоти деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор Ташкилотга аъзо давлатлар ва кузатувчиларнинг устувор соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштиришга ва шу муносабат билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг институционал асослари ва механизмларини шакллантиришга бўлган интилишидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ташкилотга аъзо давлатлар (Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон) ва кузатувчи мамлакатлар (Туркменистон ва Венгрия) раҳбарлари Самарқанддаги саммитда илк бор туркий дунё давлатларининг тўлақонли ташкилоти жиҳатдан янгича форматида тўпланади.

Самарқанд саммитининг мавзуси “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” бўлиб, бу туркий давлатларининг кўп асрлик маънавий-маданий муштараклиги, илғор ғоялари ва амалий ўзаро манфаатли ҳамкорлиги асосида янада яқинлашишига бўлган интилишини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан мазкур саммитда сўзлаган нутқида уни янада такомиллаштириш бўйича бир неча, хусусан, ташкилот доирасида савдо алоқаларини кенгайтириш учун қулай ва жозибадор шароитларни яратиши; савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун транспорт ва транзит масалаларига алоҳида эътибор қаратиш; саноат кооперациясини кучайтириш; дунёда иқлим ўзгариши ва экология муаммоларини ечиш ҳамда углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш; халқларимизнинг бой тарихий ва маданий меросга эга экани кенг тарғиб қилиш, бунинг учун сайёҳлик соҳасидаги катта имкониятлардаки самарали фойдаланиш; 2022 йилни Туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиш каби таклифларни илгари сурди.

Бугунги кунда дунёда юз бераётган жадал ўзгаришлар табиийки, қардош мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини, улар олдида турган муаммоларга прагматик ечимлар топишни, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича самарали ёндашувларни ишлаб чиқишни ва янги босқичда туркий оламининг улкан цивилизация салоҳиятини рўёбга чиқариш учун гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммитининг кун тартиби жуда бой ва кўплаб шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олди ва унинг якунида Самарқанд декларацияси қабул қилинади.

Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишлари ва дастурларини ўзида мужассамлаштирган Стратегия тўғрисида қарор қабул қилиниши режалаштирилди. Унда амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, савдо ва инвестиция ҳамкорлиги учун қулай шароитлар яратиш, Транскаспий халқаро транспорт йўлаги бўйича юк ташишларнинг маъмурий тартибларини соддалаштириш, туризм, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш қабилар кўзда тутилган. Бундан ташқари, саммитда фан ва таълим, технологиялар ва инновациялар каби соҳаларида минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратиш, маданий-гуманитар соҳа, жумладан тарих, маданият, анъаналар ва қадриятлар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркий давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, БМТнинг адолатли иқтисодий ўсиш ва халқларнинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мосдир. Ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва қатор устувор йўналишлар бўйича кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилиш, савдо, иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар алмашинув борасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, жонли учрашув ҳамда мулоқотлар ташкил қилиш масалалари, яқин келажакда ўзининг истиқболли натижасини бериши кутилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Самарқанд саммитидаги нутқи. – “Халқ сўзи”, 12-ноябрь, 2022.
2. Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган олтинчи саммитда сўзлаган нутқи. – “Халқ сўзи”, 04-сентябрь, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони (28.01.2022.ПФ-60-сон.). – <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Сагатова З.Б. туркий давлатлар ташкилотининг яратилиши тарихи хусусидаги мулоҳазалар. – “Таълим ва инновацион тадқиқотлар”. – 2022, №12.